

O'zbekistonda axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining rivojlanishiga oid qisqacha ma'lumot



Toshkent 2015

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 4 февралдаги Фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ташкил этилиши мазкур йўналишда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини юксалтириш йўлидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Иқтисодиётимиз ва жамиятимиз ҳаётида ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни муҳимлигини ҳисобга олиб, 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури қабул қилинди. Ушбу чора-тадбирларнинг амалиётга изчил жорий этилиши жамиятни ахборот-коммуникация маҳсулотлари ва хизматлари билан тўла таъминлаш, унинг имкониятларидан ҳар бир хонадон, фуқаро фойдаланишига замин яратишда айтиш мумкин бўлди. Ўз навбатида, соҳани мамлакат иқтисодий тараққиётини белгиловчи бош мезонлардан бирига айлантириш йўлида салмоқли модернизациялаш ишлари рўёбга чиқарилди. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2014 йилда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация тизимида фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 24,5 фоизга ўсди. Шунингдек, компьютер дастурлари билан боғлиқ хизматлар 21,6 фоизга ошди.

Бугунги кунда давлат органлари веб-сайтлари ҳамда электрон ресурслари орқали 685 турдаги интерактив хизматлар кўрсатилмоқда. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига электрон хизматлар тақдим этишнинг муҳим омили ҳисобланган давлат ахборот ресурслари сони 226 та, давлат органлари ахборот тизимлари сони 297 тага етди.

“UZ” ҳудудидаги доменлар сони айтиш кунда 20,5 мингдан ошиб, 2015 йилнинг январь ойидан бугунги кунга қадар 2,4 мингдан зиёд янги веб-сайтлар ишга туширилган. Ўсиш олдинги йилнинг шу давридагига нисбатан 111 фоиз, йил бошига нисбатан 6,5 фоизни ташкил қилди. Албатта, бу рақамлар интернет тармоғидаги миллий ҳудуднинг жадал ривожланаётганидан дарак беради.

Мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Ҳозирда улар 10 миллион 200 минг кишидан ошди. Яъни юртимиз аҳолисининг учдан бир қисми глобал тармоқ имкониятларидан баҳраманд. Интернет фойдаланувчиларга кенг имкониятлар яратиш мақсадида, Республикаимизда интернетнинг ўтказувчанлик даражаси 4 баробар оширилди, уланиш тезлиги эса 1,5 марта ортиди. Шу билан бирга, ундан фойдаланиш нархи 2013 йилдагига нисбатан 11,6 фоизга камайтирилди.

Аҳоли, жумладан, мамлакатимизнинг олис ҳудудларида яшаётган аҳолининг ахборот-коммуникация технологиялари хизматларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, бугунги кунда мамлакатимиз бўйлаб тортилган оптик алоқа тармоқлари 16 минг чақиримни ташкил этмоқда. 2014 йилда юртимизда, хусусан, Қўнғирот, Бойсун, Узун, Мўйноқ каби олис

туманларда 2 минг километрдан зиёд оптик толали алоқа тармоқлари барпо этилди. “2015 йилда янги, амалдаги ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш, модернизациялаш ва реконструкция қилиш бўйича йирик инвестицион лойиҳаларнинг Манзилли дастури”га мувофиқ, 2015-2017 йилларда 6100 чақирим, хусусан жорий йилда 1800 чақиримли кенг полосали оптик алоқа тармоқларини қуриш режалаштирилган.

Оптик алоқа тармоқларининг кенгайиши интернетга кенг полосали уланиш хизматларини кўрсатиш сифатини оширди. 2015 йилнинг бошида мазкур хизматларни кўрсатиш учун ўрнатилган портлар сони 640 мингга оширилди, фойдаланилаётган портлар сони эса 135,1 фоизга ўсди. Пировардида ушбу тармоқ орқали мижозларга видеотелефония, интернет-телевидение, юқори тезликдаги интернет, HDTV-каналлар ва бошқа хизматларни кўрсатиш имкони яратилди.

Йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши симсиз алоқанинг тараққий этишига ҳам хизмат қилаётир. Бугунги кунда мобиль алоқа операторлари тўртинчи авлод тармоғи – 4G (LTE)ни жорий қилишмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисига юқори тезликдаги ва ишончли интернет хизматларидан фойдаланиш имконини яратиб беришга хизмат қиладиган магистрал маълумот алмашиш тармоқларининг ўтказувчанлик даражасини ошириш мақсадида, "Ўзбектелеком" АК Япониянинг NEC корпорацияси ҳамда Toyota Tsusho савдо уйи билан ҳамкорликда секундига 100 Гбит маълумот ўтказиш имкониятига эга бўлган DWDM (тўлқин узунлиги бўйича маълумот узатиш каналларини зичлаштириш) алоқа тармоғини ишга туширди. Янги алоқа тармоғи мамлакат пойтахти Тошкент шаҳрини юртимиздаги тарихий шаҳарлардан бири бўлган Бухоро билан боғлашга хизмат қилади.

Айтиб ўтиш жоизки, мазкур алоқа тармоғи Марказий Осиёдаги секундига 100 Гбит маълумот ўтказиш салоҳиятига эга бўлган биринчи телекоммуникация тизими ҳисобланади. Мазкур тизимида когерент қабул қилиш ва тузатишнинг энг илғор технологиялари қўлланилган. Мазкур янги тизим секундига 10 Гбит маълумот узатувчи анъанавий тизимдан афзалликлари билан ажралиб туради. Натижада видео телефония, Интернет телевидение, юқори тезликдаги интернет, HDTV-каналларни томоша қилиш сифатининг юксалиши ва телекоммуникациянинг янги, замонавий хизмат турларини кўпайишига замин яратилди.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидениега техник ва технологик ўтиш бўйича Давлат дастури тўғрисида”ги қарорига асосан телевидение соҳасига замонавий телекоммуникация технологияларини жорий этиш бўйича ишлар давом этмоқда. Дастур доирасида мамлакатимизда телеузатишларни рақамли форматга ўтказиш икки босқичда амалга оширилади. Хусусан, биринчиси 2013–2015, иккинчиси эса 2016–2017 йилларни қамраб олади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудининг 54 фоизи рақамли телевидение билан қамраб олинган. Ҳозир пойтахтимиз, Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона, Навоий, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг кўплаб туманларида рақамли телевидение дастурларини юқори сифатда томоша қилиш, интерфаол хизматлардан фойдаланиш мумкин.

Давлат дастурининг дастлабки босқичида 84 та юқори қувватли узаткичлар ўрнатилади. Натижада мамлакатимиз аҳоли масканларининг 98 фоизини рақамли телевидение билан қамраб олиш имконияти юзага келади. Иккинчи босқичда 400 та кам қувватли узаткичлар ўрнатилиши билан бу кўрсаткич 100 фоизга етказилади.

Маълумки, интерактив давлат хизматлари инсон манфаатларини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, шу асосда одамларнинг узоғи яқин, мушқули осон бўлмоқда, вақти, сарф-харажати тежалаяпти. Бошқача айтганда, “Электрон ҳукумат” тизими аҳоли ва бизнес субъектларининг масалаларини хал этишда катта қулайлик туғдирмоқда.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали юқори суръатларда ривожланиб бораётир. Ўтган вақт мобайнида фуқаролар ва тадбиркорлардан умумий ҳолатда 161 мингга яқин электрон мурожаатлар қабул қилинди. Унинг маълумотлар маркази 11 мингга яқин чақирувларни қабул қилди. Аҳоли ва давлат идоралари ўртасидаги электрон муносабатларнинг ўрнатилгани давлат органларининг иш самарадорлигини ошиши, аҳолининг ахборот олиш ҳуқуқларининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда. Хусусан, Ягона портал орқали қилинган мурожаатларнинг 93 фоизига давлат идоралари томонидан жавоб йўлланган, муносабат билдирилган. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимликларнинг фуқаронинг мурожаатига жавоб йўллаш муддати тубдан қисқариб, бугунги кунда ўртача 5 иш кунини ташкил этмоқда. Бугунги кунда портал орқали 230 та интерактив хизматлар кўрсатиляпти. Хусусан, Ягона порталдаги давлат идоралари раҳбарлари қабулига онлайн ёзилиш, судланганлик ёки судланмаганлик ҳолати тўғрисида маълумот олиш, меҳнат стажи тўғрисидаги архив маълумотномасини олиш, мурожаат йўллаш каби хизматлар оммабоп ҳисобланади. Мисол учун, бугунги кунгача 2,5 минг нафар фуқаро судланган ёки судланмаганлик тўғрисидаги маълумотни олишда Ягона порталдан фойдаланган бўлса, 400 га яқин интернет фойдаланувчилари давлат идоралари раҳбарлари қабулига онлайн ёзилган. Қолаверса, 7 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари портал орқали электрон шаклда рўйхатдан ўтказилди.

Айтиш жоизки, 2015 йилнинг январ ойида Ягона порталда тадбиркорлик фаолиятига таъсир этувчи ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилиш ва қабул қилинган норматив ҳужжатларни баҳолаш бўйича янги тизим ишга туширилган эди. Бугунги кунга қадар мазкур тизимда 21 та ҳужжат лойиҳалари муҳокамага қўйилган эди. Улардан 9 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари интернет фойдаланувчилари фикр-мулоҳазалари асосида

такомиллаштирилди. Айни вақтда 23 та ҳужжат лойиҳаларини такомиллаштириш юзасидан муҳокамалар давом этмоқда. Кўриб турганимиздек, Ягона поратл аҳолининг давлат қурилишидаги фаол иштирокини таъминлашнинг муҳим воситасига айланган.

Айтиш жоизки, мамлакатимизнинг барча таълим муассасалари Ziyonet таълим тармоғига уланган. 2014 йилда янгиланган портал кутубхонасида ўқув қўлланмалари, диссертация ишлари, илмий мақолалар ва бошқа турдаги материалларни жамлаган 75 мингдан ортиқ ахборот-таълим ресурси мавжуд. Хорижий тилларни ўргатиш учун ташкил этилган интерактив бўлим 4 мингдан ортиқ материалларни ўз ичига олган.

Республикаimizдаги ахборот-кутубхона марказларини техник жиҳозлаш давом этмоқда. 2014 йили Қашқадарё, Наманган, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри ахборот-кутубхона марказлари янги замонавий ускуналарга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан тизимдаги кадрларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида, 2015 йилнинг январ-апрел ойларида 76 соатга мўлжалланган “Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва янада ривожлантириш” дастури асосида ташкил этилаётган ўқув курсларида соҳасининг жами 362 нафар ходимларининг билим-кўникмаларини мустаҳкамлаш режалаштирилган.

Тингловчиларга тақдимотлар орқали ахборотлаштириш соҳасидаги ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, лойиҳаларни танлаш амалий механизминини шакллантириш ва уларни амалга ошириш мониторинги асосида маблағлардан самарали фойдаланиш механизминини яратиш, давлат органлари манфаатлари учун энг муҳим ва устувор идоралараро лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, идоралараро интеграциялашган ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва маълумотлар базалари, идоралараро маълумотлар узатиш тармоқларини шакллантириш каби йўналишларда замонавий билимларга эга бўляптилар.

Шунингдек, соҳа мутахассисларининг инглиз тили саводхонлигини ошириш юзасидан ҳам алоҳида ўқув соатлари ажратилиб, улар махсус ўқув режаси асосида Тошкент ахборот технологиялари университетининг малакали профессор ўқитувчилари томонидан олиб борилмоқда.

Ахборот технологиялари йўналишида кадрлар тайёрлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, иқтисодиётимизнинг турли соҳалари учун малакали кадрларни тайёрлаш тизимини яхшилаш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университетида компьютер инжиниринги, дастурий инжиниринг, телекоммуникация технологиялари, телевизион технологиялар, иқтисод ва менежмент каби йўналишлар иш бошлади. Шунингдек, ўтган йилда Президентимизнинг тегишли қарорига асосан,

университетда магистратуранинг икки янги йўналиши очилди. Булар “Электрон ҳукумат” тизими бошқаруви ҳамда ахборотлаштириш ва кутубхоначилик йўналишларидир.

Университет 50 га яқин ҳамкорлик Шартномаси, Келишув ва Меморандумлари асосида 16 давлатнинг (Жанубий Корея, Россия, Малайзия, Нидерландия, Франция, Италия, Германия, Финляндия, АҚШ, Буюк Британия, Ҳиндистон, Хитой Халқ Республикаси, Япония) 22 та университети, 3 та илмий-тадқиқот марказлари, ташкилот ва компаниялари билан ўзаро алоқаларни ўрнатган.

2014 йилда университет ва унинг филиалларидан жами 66 нафар профессор-ўқитувчилар хорижий мамлакатлар (Жанубий Корея Республикаси, Ҳиндистон, Франция, Германия)нинг нуфузли олий таълим муассасалари ва ўқув марказларида 2-4 ойлик компьютер ва дастурий инжиниринг, ахборот хавфсизлиги ва телекоммуникация йўналишида малака оширишди. Ҳозирги кунда университетнинг 20 та бакалавр, 22 та магистрант ва 9 та докторантлари хорижий университетларда таҳсил олишмоқда.

Университетда машғулотлар олиб бориш учун замонавий мультимедиа ва компьютер ўқув хоналари, ўқув-илмий лабораториялар, жумладан, “Ўзбектелеком” АК, “ZTE”, “Huawei” ва бошқа АКТ компанияларининг 11 та ўқув лабораторияси фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, университетда фаолияти кўрсатувчи Ўзбекистон-Корея ахборот алмашиш маркази фаолияти 2014 йилда юксак баҳоланиб, дунёнинг 40 га яқин мамлакатада фаолият кўрсатувчи шундай ахборот алмашиш марказлари орасида энг фаол деб топилди ва Корея Республикаси ҳукумати томонидан ажратилган моддий-техник базасини янгилаш, фаолиятини янада кенгайтириш ва ривожлантириш имкониятини берувчи молиявий кўмакни қўлга киритган.

2013-2014 ўқув йили якунига кўра университет талабалари Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси, Беруний номидаги Давлат стипендияси, шунингдек АКТ компаниялар ва халқаро ташкилотлар грантлари совриндорлари бўлишган. Шунингдек, анъанавий равишда KOICA va Samsung компаниялари билан ҳамкорликда энг яхши дастурий таъминот маҳсулотлари танлови ташкил этилади.

Президентимизнинг 2014 йил 24 мартдаги “Тошкент шаҳрида Инха университетини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига асосан, пойтахтимизда Инха университети филиалининг ташкил этилгани ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси учун кадрлар тайёрлашда муҳим қадам бўлди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, Жанубий Кореянинг Инха университетига 1954 йилда асос солинган бўлиб, айти пайтда таълим муассасасида 20 йўналишда 20 мингдан зиёд талаба таҳсил олади. Сеулнинг “Joong Ang Ilbo” нашри рейтингида Инха университети Корея Республикасининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлайдиган энг пешқадам таълим муассасалари бешталигидан,

шунингдек, 2014 йил Осиё давлатлари миқёсида ўрганилган таълим даргоҳлари орасида мазкур йўналишда энг илғор университетлар юзталигидан жой олган.

Ҳозирги Тошкент шаҳридаги Инха университетининг компютер инжиниринги ва дастурий инжиниринг факултетида бакалавриат йўналишларида таҳсил олаётган юз нафардан ортиқ талабаларга Корея Республикасидан ташриф буюрган 11 нафар профессор-ўқитувчилар ахборот-коммуникация сирларидан сабоқ бермоқда. Улар қаторида юртимиз ўқитувчилари ҳам бу жараёнда фаол иштирок этишмоқда. Шу билан бирга, маҳаллий мутахассисларни Жанубий Кореянинг Инха университетида тажриба орттириши йўлга қўйилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.